

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЖУМАНОВ ЗИЯДУЛЛА ЭШМАМАТОВИЧ

ИССИҚ АРИД ЗОНА ШАРОИТИДА ЎЛИМ ВАҚТИНИ АНИҚЛАШ

14.00.24 – Суд тиббиёти

**тиббиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2023

УЎК: 616.831-036.882-001.8-08-092.9

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of the abstract of the dissertation of a doctor of sciences (DSc)

Жуманов Зиядулла Эшмаматович

Иссиқ арид зона шароитида ўлим вақтини

аниқлаш..... 3

Жуманов Зиядулла Эшмаматович

Установление давности наступления смерти

в условиях жаркой аридной зоны..... 33

Jumanov Ziyadulla Eshmamatovich

Establishing the prescription of death in a hot

arid zone..... 65

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 72

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЖУМАНОВ ЗИЯДУЛЛА ЭШМАМАТОВИЧ

ИССИҚ АРИД ЗОНА ШАРОИТИДА ЎЛИМ ВАҚТИНИ АНИҚЛАШ

14.00.24 – Суд тиббиёти

**тиббиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2023

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.DSc/Tib457 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Самарканд давлат тиббиёт университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Индиаминов Сайит

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Рузиев Шерзод Ибодуллаевич

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Вавилов Алексей Юрьевич

тиббиёт фанлари доктори, профессор
(Россия Федерацияси)

Эшбоев Эркин Абдухалимович

тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Караганда тиббиёт университети

(Қозоғистон Республикаси)

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2023 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тошкент тиббиёт академиясининг 10-ўқув биноси, 1-қават. Тел./факс: (+99871) 150-78-25, e-mail: info@tma.uz).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани Фаробий кўчаси 2-уй. Тошкент тиббиёт академиясининг 2-ўқув биноси «Б» корпуси, 1-қават, 7-хона. Тел./факс: (99871) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2023 йил «_____» _____ да куни тарқатилди.

(2023 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Г.И.Шайхова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.Ш.Алимухамедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашилмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Р.Дж.Усманов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш қошидаги бир марталик илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда турли хил ташқи таъсирлардан жароҳатланишларнинг бақарор ўсиши шароитида, меҳнатга лаёқатли ёшдаги одамлар ногиронлиги ва ўлим кўрсаткичи юқори даражада сақланиб қолмоқда. Статистик маълумотларга кўра, «...ҳар йили 50 миллиондан ортиқ одам йўл- транспорт ҳодисаси туфайли келиб чиқадиган жароҳатлардан азият чекади ва уларнинг тахминан 1,2-2,0 миллиони жабрланувчиланинг ўлимига олиб келади...зўраки ўлим структурасида турли хил механик асфиксиядан вафот этганлар 35,0 % дан кўпроқни ташкил этади....»¹, шу муносабат билан, ташқи шикастловчи омиллар таъсиридан жароҳатланиш ва ўлим ҳолатлари ҳозирги кунга қадар дунёнинг кўплаб мамлакатларида муҳим тиббий-ижтимоий ва иқтисодий муаммо бўлиб қолмоқда. Ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатлар билан боғлиқ одамларнинг ўлими ҳолатларида, жумладан фуқаролар ҳаётига соғлиғига зарар етказиш билан боғлиқ жиноятлар содир этилганда, ўлим вақтини аниқлаш муаммоси алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, бу масаланинг ечими, содир этилган ҳодиса ва унинг шароитини аниқлашга ёрдам беради ва шу орқали жиноятнинг фош этилишини таъминлайди. Дунёда жароҳатланишлар ва бошқа зўравонлик ҳолатларини инсонлар соғлиғига зарар етказиш жиҳатларини ўрганишга йўналтирилган қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда, бу изланишлар ушбу ҳолатларнинг юзага келиш шарт-шароитларини, шунингдек, жабрланган шахслар ўлим сабаблари ва вақтини аниқлаш орқали, жароҳатланишларни эрта ташхислаш, даволаш ва уларни олидини олишнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш имконини яратади ҳамда шикастланишлар механо- ва танатогенезини асослаш борасидаги суд-тиббий экспертизаси жараёнини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Жаҳонда иссиқ арид зона шароитида ўлим вақтини аниқлашни баҳолаш бўйича қатор мақсадли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада иссиқ арид зонанинг турли ҳарорат шароитида массив қон йўқотиш ва сиртмоқда осилиш билан боғлиқ ўлимдан сўнгги даврнинг турли муддатларда, мушаклар суправитал реакциялари ҳамда мурда ўзгаришлари шаклланиши ва ривожланиш динамикасининг ўзига хос жиҳатларини ҳамда иссиқ арид зонанинг турли ҳарорат шароитида қон йўқотиш ва сиртмоқда осилишдан вафот этган шахслар ўлимидан кейинги даврнинг турли муддатларида, бош мия, миокард ва жигар тузилмаларида ривожланадиган аутолитик ўзгаришлар табиати ва динамикаси жиҳатлари ҳамда ҳароратга боғлиқ фарқ-тафовутларини очиб беришга қаратилган тадқиқотлар алоҳида илмий ва амалий аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, турли этиологияли соматик касалликлар натижасида юзага келган ўлимни эрта аниқлашга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу

¹Global status report on road safety 2018, launched by WHO in December 2018.

борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг еттига устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, иссиқ арид зона шароитида ўлим вақтини аниқлаш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятига принципиал янги механизмларни жорий этиш ва соғлиқни сақлаш тизимини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2019 йил 6 майдаги ПҚ-4310-сон «Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва фан тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика бўйича ишлар самарадорлигини янада ошириш орқали аҳоли саломатлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлашнинг комплекс ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида», 2021 йил 28 июлдаги ПҚ-5199-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлар ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи³. Иссиқ арид зона шароитида ўлим вақтини аниқлашни илмий асослаш ва олдини олиш тадбирларини ишлаб чиқишга йўналтирилган қатор илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: University of Jazan (Саудия Арабистон); National Institutes of Health (АҚШ); University Center for Social and Urban Research (АҚШ); Northeast Ohio Medical University (АҚШ); University of Wisconsin (АҚШ); Danish Institute for Local and Regional Government Research (Дания); University of Monash (Австралия); University di Bologna (Италия); Jaslok Hospital and Research Centre (Ҳиндистон); University of Michigan (АҚШ);

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

³ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи www.washington.edu, www.ku.edu, www.atlantaoralpathology.com, www.univr.it, www.unipv.it, www.uksh.de, www.keio.ac.jp, www.ico.gencat.cat, www.uoa.gr, www.ufsc.br, www.yonsei.ac.kr, www.sydney.edu.au, www.jazanu.edu.sa, www.rims.edu.in, www.rnioi.ru, www.cancercenter.uz, www.toshvilonko.uzсайтлар асосида ишлаб чиқилган.

University Hospital Düsseldorf (Олмония); University Hospital of Nancy (Франция); Sapienza University of Rome (Италия); Perinatal Institute (Буюк Британия) Самарқанд давлат Университети (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Иссиқ арид зона шароитида ўлим вақтини аниқлашни илмий асослаш ва олдини олиш тадбирларини ишлаб чиқиш борасида олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги натижалар олинган: эпилепсияда (SUDEP) кутилмаган ўлимнинг юзага келиши University of Jazan (Саудия Арабистон); ёш улуғ инсонларда юрак қон томир тизимининг етишмовчилиги натижасида юзага келган ўлим даражаси исботланган University Center for Social and Urban Research (АҚШ) ўпканинг турли касалликларидан кейинги асоратларини олдини олишда трансплантациянинг ўрни ва аҳамияти исботланган Universität Ulm am Bezirkskrankenhaus Günzburg, Hannover Medical School (Германия); ўлган танлай тўқималарининг коллеген толаларини морфологик ва иммуногистохимий усуллар ёрдамида баҳолаш орқали ўлим вақтини баҳоланган University di Bologna (Италия); тажриба шароитида хайвонлар моделида ўлган хайвон танасининг ультратовушли электрографик ўлчамлари орқали баҳоланган University of Wisconsin (АҚШ); иссиқ арид зона шароитида ўлим вақтини аниқлашнинг илмий назарияси ишлаб чиқилган (Самарқанд давлат тиббиёт Университети, (Ўзбекистон).

Дунёда иссиқ арид зона шароитида ўлим вақтини аниқлашни илмий асослаш ва олдини олиш тадбирларини ишлаб чиқиш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: иссиқ арид зонанинг турли ҳарорат шароитида қон йўқотиш ва сиртмоқда осилишдан вафот этган шахслар бош мия, миокард, жигар тўқималарида ва қон томир тизимида аутолитик ўзгаришлар билан боғлиқ тузилмалардаги ўзгаришларининг морфометрик жиҳатлари ўртасидаги фарқтафовутларини ва посмортал даврдаги динамикасини асослаш; турли ҳарорат шароитида қон йўқотиш ва асфиктик ҳолатлар билан боғлиқ ўлим ҳолатларида мурда ўзгаришлари, мушаклар суправитал реакциялари ва бош мия, миокард ҳамда жигар тузилмаларидаги аутолитик жараёнлар динамикасининг ўзига хос жиҳатлари асосида, ўлим вақтини аниқлаш юзасидан кўшимча мезонлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунга қадар бутун дунё миқёсида ўлим вақтини аниқлаш масаласи замонавий суд тиббиётининг ўта долзарб ва тўлалигича ҳал қилинмаган муаммоси бўлиб қолмоқда. Одамларнинг ташқи таъсирлар натижасида ўлими билан боғлиқ иш материалларини кўриб чиқиш ва тергов қилишда ўлим вақтини аниқлаш муҳим аҳамиятли бўлиб, унинг ҳал этилиши таъсиротнинг юзага келиш тафсилотлари ва шароитларини аниқлашга ёрдам беради (Кильдюшов Е.М., 2007; Пашинян Г.А., Саакян Л.В., 2009; Вавилов А.Ю., 2009; Витер В. И., Кунгурова В.В., Коротун В.Н., 2011; Аулов А.А, Богомоллов Д.В., 2012; Кузовков А.В., 2017; Zhang GL et al. 2014). Ушбу муаммо сўнгги пайтларда кўплаб тадқиқотчиларнинг эътиборини тортмоқда ва уларнинг саъй-ҳаракатлари ушбу мураккаб масалани ҳал қилишда батамом янги

ёндашувларни топишга қаратилмоқда. Афсуски, тавсия этилган усулларнинг ҳеч бири ўлим вақтини аниқ кўрсатиб бера олмайди (Саркисян Б.А., Янковский В.Э., 2008; Пиголкин Ю.И. ва ҳаммуал., 2010; Крюков В.Н. ва ҳаммуал., 2016; Буромский И.В., Сидоренко Е.С., Ермакова Ю.В., 2018). Бунинг сабаби шундаки, мурданинг органлари, тўқималари ва тизимларида ўлимдан кейинги даврда содир бўладиган ўзгаришлар жуда кўплаб омилларга боғлиқ. Турли минтақаларнинг иқлимий ва географик шароитлари ўлимдан сўнгги даврда шаклланидиган мурда ўзгаришлари ривожланиш даражаси ва динамикасига, шунингдек, мурданинг аъзолари ва тўқималарининг емирилиш жараёнига жиддий таъсир кўрсатади (Осминкин В.А., Осминкина Ю.В., 1997; Лаврукова О.С. ва ҳаммуал., 2017; Zhu Y et.al., 2017; Zissler A et.al., 2018; Yang AS et.al., 2019). Намлиги паст бўлган қурғоқчил зона шароитида, мурда эрта ўзгаришлари динамикаси, ушбу ҳолатларнинг намлиги юқори бўлган ўртача ҳарорат даражаси динамикасида сезиларли даражада фарқ қилиши қайд этилган. Мўътадил иқлимнинг ўртача ҳарорати ва намлигидаги ўлим ҳолатларида, мурда совиши динамикасида фойдаланиш жуда қийин, чунки ёзда атроф-муҳит ҳарорати мурданинг бошланғич ҳароратидан бир оз паст ва кўпинча ундан юқори ҳам бўлиши мумкин (Скребнев А.В., 1990; Шагылыджов К.Ш, Скребнев А.В., 1991). Арид зона шароитида ўлим вақтини аниқлашда мурда доғлари, қотиши, қуриши, мушакларнинг электр ва механик таъсирларга реакциясини ўрганиш мақбул бўлиши мумкинлиги қайд этилган. Таъкидланишича, иссиқ иқлим шароитида мурда доғлари, қотиши, шох парда ва склеранинг қуриши ривожланиши мўътадил кенгликларга нисбатан 2-3 барабар тезлашади, совиш кескин секинлашади ёки кун охирига келиб тухтайди, поствитал реакциялар муддати 2 барабар қисқаради (Наубатов Т.Х., Шагылджов К.Ш., 1985; 1986). Бироқ бу масалалар иссиқ арид зонанинг турли ҳарорат шароитида атрофлича таҳлил этишни талаб этади. Негаки, мурда ўзгаришлари ва суправитал реакциялар шаклланишининг жиҳатлари ва динамикаси, иссиқ арид зонанинг турли хил ҳарорат шароитлари ва летал ҳолатлар танатогенезига боғланган ҳолда тўлиқ ўрганилмаган. Микроскопик тадқиқот усуллари, айти пайтда жасадлар суд-тиббий экспертизаси жараёнида ўлим сабабларини, танатогенезини, аъзолар ва тўқималардаги жароҳатлар ҳаётлийлиги, шикастланиш муддатини ва ҳатто ўлим вақтини аниқлаш учун кенг қўлланилмоқда (Науменко В.Г, Митяева Н.А. 1980; Пиголкин Ю.И. ва ҳаммуал., 2001; Витер В.И, Кунгурова В.В, Коротун В.Н., 2011; Пиголкин Ю.И., 2018; Индиаминов С.И. ва ҳаммуал., 2019; 2020; ва бошқ.). Иммуногистокимёвий усулларнинг амалиётга жорий этилиши, турли сабаблардан кўра вафот этган шахслар жасадларининг экспертизаси жараёнида юқорида қайд этилган масалаларини ҳал қилиш учун суд-гистологик тадқиқотлардан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтиради (Богомоллов Д.В. ва бошқ., 2018).

Ўзбекистонда сўнгги йилларда тўсатдан ўлим (Ш.Ш.Ядгарова, 2021), исгаздан захарланишни (А.А.Ким, 2021), кўшма ва кўп сонли жароҳатланишлар (О.И.Хван, 2017; А.С.Умаров, 2023) танатогенезини

ўрганишга бағишланган қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда, аммо ўлим вақтини аниқлаш муаммоси бўйича тадқиқотлар мутлоқ ўтказилмаган.

Қайд этилган маълумотлар шуни кўрсатадики, ҳозирги кунга қадар ўлим вақтини аниқлашга имкон берадиган ягона усуллар ва йўналишлар ишлаб чиқилмаган. Бу эса ўз навбатида, ушбу муаммони ҳал қилишда зўраки ўлим ҳолатлари танатогенезини ҳисобга олган ҳолда, иссиқ арид зона шароити учунбу масалани ҳал этишда янги ёндашувларни излашни тақоза этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Ўсмалар, хирургик касалликлар ва травмаларни олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволашнинг замонавий технологияларини яратиш ва амалиётга жорий этиш» (2018-2022 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади иссиқ арид зонанинг турли ҳарорат шароити ва қон йўқотиш ҳамда асфиктик ҳолатлар танатогенезини ҳисобга олган ҳолда, ўлим вақтини аниқлашга доир қўшимча мезонлар ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

иссиқ арид зонанинг турли ҳарорат шароитида массив қон йўқотиш ва сиртмоқда осилиш билан боғлиқ ўлимдан сўнги даврнинг турли муддатларда, мушаклар суправитал реакциялари ҳамда мурда ўзгаришлари шаклланиши ва ривожланиш динамикасининг ўзига хос жиҳатларини баҳолаш;

иссиқ арид зонанинг турли ҳарорат шароитида қон йўқотиш ва сиртмоқда осилишдан вафот этган шахслар ўлимидан кейинги даврнинг турли муддатларида, бош мия, миокард ва жигар тузилмаларида ривожланадиган аутолитик ўзгаришлар табиати ва динамикаси жиҳатлари ҳамда ҳароратга боғлиқ фарқ-тафовутларини очиб бериш;

иссиқ арид зонанинг турли ҳарорат шароитида қон йўқотиш ва сиртмоқда осилишдан вафот этган шахслар бош мия, миокард, жигар тўқималарида ва қон томир тизимида аутолитик ўзгаришлар билан боғлиқ тузилмалардаги ўзгаришларининг морфометрик жиҳатлари ўртасидаги фарқ-тафовутларини ва посмортал дарвдаги динамикасини баҳолаш;

иссиқ арид зона турли ҳарорат шароитидан келиб чиққан ҳолда, қон йўқотиш ва асфиктик ҳолатлар билан боғлиқ ўлим ҳолатларида мурда ўзгаришлари, мушаклар суправитал реакциялари ва бош мия, миокард ҳамда жигар тузилмаларидаги аутолитик жараёнлар динамикасининг ўзига хос жиҳатлари асосида, ўлим вақтини аниқлаш юзасидан қўшимча мезонлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини иссиқ арид зонанинг турли ҳарорат шароитида травматик массив қон йўқотиш ва осилишдан вафот этган шахслар жасадлари, мурдалар экспертизаси хулосалари, тиббий ҳужжатлар, суд-гистологик текширувлар далолатномалари, воқеа жойини ва мурдани

топилган жойидасиртдан кўздан кечириш баённомалари, бош мия, юрак ва жигар бўлакчалари ташкил этган.

Тадқиқотнинг пердметини ўлимдан сўнгги ўзгаришлар, мушаклар суправитал реакциялари, бош мия, миокард ва жигар тузилмалари ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда иссиқ арид зона шароитида ўлим вақтини аниқлашда катамнестик, термометрик, динометрик, визуал кўздан кечириш, тасвирлаш, таққослаш, морфологик, суд-гистологик, морфометрик ва статистик усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

иссиқ арид зонанинг турли ҳарорат шароитида қон йўқотиш ва асфиктик ўлимдан сўнгги даврнинг турли муддатларида, мурда ўзгаришлари шаклланиши, динамикаси, мушаклар суправитал реакциялари, шунингдек, бош мия, юрак ва жигар тузилмаларидаги аутолитик жараённинг ўзига хос жиҳатлари ва динамикасига асосланиб, ўлим вақтини аниқлаш юзасидан қўшимча мезонлар ишлаб чиқилган;

иссиқ арид зонанинг турли ҳарорати шароитларига мувофиқ, қон йўқотиш ва механик асфиксия ҳолатлари танатогенезидан келиб чиққан ҳолда мурда доғлари, совуши, қотиши, қуриши ва чириши жараёнлари ҳамда мушаклар суправитал реакцияларининг шаклланиши ва ривожланиши динамикасининг ўзига хос жиҳатлари аниқланган;

массив қон йўқотишдан сўнг иссиқ арид зона юқори ҳарорат шароитида, ўртача ҳарорат кўрсаткичларига нисбатан, мурда доғлари, қуриш, қотиш ва чириш жараёнлари 1,5-2,0 маротабагача тезлашиши ва совуши секинлашиши, механик асфиксияда эса юқори ҳароратда, ўртача ҳарорат кўрсаткичларига нисбатан, мурда доғлари, қотиш ва чириш жараёнлари ривожланиши 2,5-3,0 маротабагача тезлашиши ва совуш жараёни шу нисбатда секинлашиши асослаган;

иссиқ арид зонанинг турли ҳарорат шароитларида қон йўқотиш ва механик асфиксия оқибатидаги ўлимдан сўнгги даврда бош мия, миокард ва жигар тўқималари ҳамда қон томирлар тузилмаларидаги аутолитик жараёнлар шаклланиши динамикасининг морфологик кўринишлари ва морфометрик кўрсаткичларининг ўзига хос жиҳатлари ва уларнинг юқори намликли иқлимнинг ўртача ҳарорат шароитларидаги кўрсаткичлари орасидаги фарқ тафовутлари аниқланган;

иссиқ арид зонанинг турли ҳарорат шароитларида мурда ўзгаришлари, мушаклар суправитал реакциялари ҳамда бош мия ва ички органлар тузилмаларидаги аутолитик ўзгаришлар динамикасига таяниб, қон йўқотиш ва асфиктик ҳолатларда ўлим вақтини постмортал даврнинг 72-76 соати (3 сутка) гача вақт давомида ишончли тарзда аниқлаш имкониятлари асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

иссиқ арид зонанинг турли ҳарорат шароитларини ва қон йўқотиш ҳамда механик асфиксия ҳолатлари танатогенезини инобатга олган ҳолда ўлим вақтини аниқлаш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилган;

тадқиқот натижалари иссиқ арид зона ташқи муҳитининг ҳар хил ҳарорат шароитларида қон йўқотиш ва механик асфиксия оқибатида вафот этган шахслар ўлим вақтини ишончли тарзда аниқлаш имконини берган;

ишлаб чиқилган тавсиялар иссиқ арид зонанинг турли хил ташқи муҳитининг ҳарорат шароитлари ва қон йўқотиш ҳамда механик асфиксиянинг танатогенезига мувофиқ, ўлим вақтини аниқлаш бўйича мурдалар экспертизаси хулосаларининг ишончлилигини таъминлаган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган катамнестик, термометрик, диномометрик, визуал кўздан кечириш, тасвирлаш, таққослаш, морфологик, суд-гистологик, морфометрик ва статистиктадқиқот усуллари асосида иссиқ арид зона шароитида ўлим вақтини аниқлашнинг ўзига хослиги ҳалқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, ҳулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти иссиқ арид зонанинг ташқи муҳит ҳароратига боғлиқ ҳолда мурда ўзгаришлари динамикаси, шунингдек, мушакларнинг суправитал реакциялари хусусиятлари, бош мия, миокард ва жигар тузилмаларидаги аутолитик ўзгаришлар динамикаси асосида, қон йўқотиш ва механик асфиксия ҳолатларда одамлар ўлим вақтини аниқлашга доир қўшимча мезонлар ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти иссиқ арид зона ташқи муҳит ҳароратига боғлиқ ҳолда мурда доғлари, қуриши, совуши, мушаклар қотиши, суправитал реакциялар ва органлар тузилмаларида аниқланган аутолитик ўзгаришлар табиати ва динамикаси асосида қон йўқотиш ва механик асфиксиядан вафот этган шахслар ўлим вақтини ишончли тарзда аниқлаш имконини берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Самарқанд давлат тиббиёт университети мувофиқлаштирувчи эксперт кенгашининг 2023 йилдаги 24 августдаги 47-сон хулосасига кўра (илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига Самарқанд давлат тиббиёт университетининг 2023 йил 7 августдаги 9376-сонли хати тақдим этилган):

биринчи илмий янгилик: иссиқ арид зонанинг турли ҳарорат шароитида қон йўқотиш ва асфиктик ўлимдан сўнгги даврнинг турли муддатларида, мурда ўзгаришлари шаклланиши, динамикаси, мушаклар суправитал реакциялари, шунингдек, бош мия, юрак ва жигар тузилмаларидаги аутолитик жараённинг ўзига хос жиҳатлари ва динамикасига асосланиб, ўлим вақтини аниқлашга доир қўшимча мезонлар ишлаб чиқилгани Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази бўйича (16.08.2023 й.; № 059/АФ/2023) буйруқ билан амалиётга жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий

самарадорлиги қуйидагилардан иборат: тавсия этилган алгоритм ва услубларнинг экспертлик амалиётига жорий этилиши натижасида, иссиқ арид зона шароитида ўлим вақтини доир экспертиза хулосаларининг сифати оширилган ва уларнинг ишончилиги ҳамда асосланиши ва объективлиги таъминлаган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: тавсия этилган суд тиббий текширув услублари қўлланилганда қўшимча текширишлар ўтказилиши талаб этилмаслиги натижасида тадқиқотга талаб этиладиган вақт 8-10 кундан 3,5-4 кунгача қисқариш ҳисобига иқтисод қилишга эришилган (ананавий усулнинг ўртача нархи 570000 сўмни ташкил қилса, тавсия этилган усулнинг нархи эса 275000 сўм). Хулоса: тавсия этилган усулдан фойдаланган ҳолда эксперт тадқиқотларини ўтказиш вақтини 2-2,5 баробар қисқартириб, 1 ҳолат ҳисобига бюджет маблағларини 295000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган;

иккинчи илмий янгилик: иссиқ арид зонанинг турли ҳарорати шароитларига мувофиқ, қон йўқотиш ва механик асфиксия ҳолатлари танатогенезидан келиб чиққан ҳолда, мурда доғлари, совуши, қотиши, қуриши ва чириши жараёнлари ҳамда мушаклар суправитал реакцияларининг шаклланиши ва ривожланиши динамикасининг ўзига хос жиҳатлари аниқлангани Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази бўйича (16.08.2023 й.; № 059/AF/2023) буйруқ билан амалиётига жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: тадқиқот натижаларининг экспертлик амалиётига жорий этилиши натижасида иссиқ арид зона ташқи муҳитининг ҳар хил ҳарорат шароитларида қон йўқотиш ва механик асфиксия оқибатида вафот этган шахслар ўлим вақтини ишончли тарзда аниқлаш имконини берган. Бундан ташқари, қон йўқотиш оқибатидаги ўлимдан сўнг, механик асфиксия туфайли содир бўлган ўлимга нисбатан, қуриш ва совуш жараёнларининг ривожланиши 1,0-2,0 маротаба тезлашади, мурда доғларининг пайдо бўлиши ва ривожланиш вақти шунча маротаба камайиши асослаб берилган. Бу эса ўз навбатида, экспертиза хулосаларининг сифати ва уларнинг ишончилиги ҳамда асосланишини таъминлаган. Шу муносабат билан, қўшимча ёки такрорий экспертизалар ўтказишнинг олди олинган, яъни ижро муддатини кескин қисқартирган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: тавсия этилган суд тиббий текширув услублари қўлланилганда қўшимча текширишлар ўтказиш ва врач мутахассислар маслаҳатлари олиниши талаб этилмаслиги натижасида тадқиқотга талаб этиладиган вақт 5-6 кундан $2\pm 0,2$ кунгача қисқариш ҳисобига иқтисод қилишга эришилган (ананавий усулнинг ўртача нархи 472000 сўмни ташкил қилса, тавсия этилган усулнинг нархи эса 235000 сўм). Хулоса: тавсия этилган усулдан фойдаланган ҳолда эксперт тадқиқотларини ўтказиш вақтини 2-2,5 баробар қисқартириб, 1 ҳолат ҳисобига бюджет маблағларини 237000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган;

учинчи илмий янгилик: массив қон йўқотишдан сўнг иссиқ арид зона юқори ҳарорат шароитида, ўртача ҳарорат кўрсаткичларига нисбатан, мурда

доғлари, қуриш, қотиш ва чириш жараёнлари 1,5-2,0 маротабагача тезлашиши ва совуши секинлашиши ҳамда механик асфиксияда эса юқори ҳароратда, ўртача ҳарорат кўрсаткичларига нисбатан, мурда доғлари, қотиш ва чириш жараёнлари ривожланиши 2,5-3,0 маротабагача тезлашиши ва совуш жараёни шу нисбатда секинлашиши асослагани Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази бўйича (16.08.2023 й.; № 059/АФ/2023) буйруқ билан амалиётига жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: тадқиқот натижаларининг экспертлик амалиётига жорий этилиши натижасида иссиқ арид зона юқори ҳарорат шароитида, ўртача ҳарорат кўрсаткичларига нисбатан, мурда доғлари, қуриш, қотиш ва чириш жараёнлари 1,5-2,0 маротабагача тезлашиши ва совуши секинлашиши, механик асфиксияда эса юқори ҳароратда, ўртача ҳарорат кўрсаткичларига нисбатан, мурда доғлари, қотиш ва чириш жараёнлари ривожланиши 2,5-3,0 маротабагача тезлашиши ва совуш жараёни шу нисбатда секинлашиши асослаб берилган. Бу эса ўз навбатида, экспертиза хулосаларининг сифати ва уларнинг ишончилиги ҳамда асосланишини таъминлаган. Шу муносабат билан, қўшимча ёки такрорий экспертизалар ўтказишнинг олдини олган, яъни ижро муддатини кескин қисқартирган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: тавсия этилган суд тиббий текширув услублари қўлланилганда қўшимча текширишлар ўтказилиши талаб этилмаслиги натижасида тадқиқотга талаб этиладиган вақт 4-5 кундан 2,0-2,5 кунгача тавсия этилган суд тиббий текширув услубларини амалга ошириш учун $2 \pm 0,1$ кун талаб қилинади, анъанавий тарзда текширув ўтказишда эса 4-5 кун қисқариш ҳисобига иқтисод қилишга эришилган (анъанавий усулнинг ўртача нархи 250000 сўмни ташкил қилса, тавсия этилган усулнинг нархи эса 125000 сўм). Хулоса: тавсия этилган усулдан фойдаланган ҳолда эксперт тадқиқотларини ўтказиш вақтини 2,0-2,5 баробар қисқартириб, 1 ҳолат ҳисобига бюджет маблағларини 125000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган;

тўртинчи илмий янгилик: иссиқ арид зонанинг турли ҳарорат шароитларида қон йўқотиш ва механик асфиксия оқибатидаги ўлимдан сўнгги даврда бош мия, миокард ва жигар тўқималари ҳамда қон томирлар тузилмаларидаги аутолитик жараёнлар шаклланиши динамикасининг морфологик кўринишлари ва морфометрик кўрсаткичларининг ўзига хос жиҳатлари ва уларнинг юқори намликли иқлимнинг ўртача ҳарорат шароитларидаги кўрсаткичлари орасидаги фарқ тафовутлари аниқлангани Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази бўйича (16.08.2023 й.; № 059/АФ/2023) буйруқ билан амалиётига жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: тадқиқот натижаларининг экспертлик амалиётига жорий этилиши натижасида иссиқ арид зона ташқи муҳитининг ҳар хил ҳарорат шароитларида қон йўқотиш ва механик асфиксия оқибатида вафот этган шахсларда бош мия, миокард ва жигар

тўқималари ҳамда қон томирлар тузилмаларидаги аутолитик жараёнлар шаклланиши динамикасининг морфологик кўринишлари ва морфометрик кўрсаткичларининг ўзига хос жиҳатлари ва уларнинг юқори намликли иқлимнинг ўртача ҳарорат шароитларидаги кўрсаткичларига нисбатан, фарқ тофавутлари ҳар иккала ўлим ҳолатида ўлим вақтини ишончли тарзда аниқлаш имкон берган. Бундан ташқари, қон йўқотиш оқибатидаги ўлимдан сўнг, механик асфиксия туфайли содир бўлган ўлимга нисбатан, қуриш ва совуш жараёнларининг ривожланиши тезлашиши, мурда доғларининг пайдо бўлиши ва ривожланиш вақти камайиши асосланган. Бу эса ўз навбатида, экспертиза хулосаларининг сифати ва уларнинг ишончлилиги ҳамда асосланишини таъминлаган. Шу муносабат билан, қўшимча ёки такрорий экспертизалар ўтказишнинг олдини олган, суд тиббий экспертиза текширувларининг муддатини кескин қисқартирган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: тавсия этилган услубларга кўра вафот этган шахслар жасадини қўшимча текшириш ва мутахассислар маслаҳатлари зарурати йўқлиги натижасида суд тиббий экспертиза текширувини амалга ошириш вақти $6 \pm 0,5$ кундан $2,2 \pm 0,3$ кунгача қисқариши ҳисобига иқтисод қилишга эришилган (ананавий усулнинг ўртача нархи 478000 сўмни ташкил қилса, тавсия этилган усулнинг нархи эса 238500 сўм). Хулоса: тавсия этилган усулдан фойдаланган ҳолда эксперт тадқиқотларини ўтказиш вақтини 2-2,5 баробар қисқартириб, 1 ҳолат ҳисобига бюджет маблағларини 239500 сўмга иқтисод қилиш имконини берган;

бешинчи илмий янгилик: иссиқ арид зонанинг турли ҳарорат шароитларида мурда ўзгаришлари, мушаклар суправитал реакциялари ҳамда бош мия ва ички органлар тузилмаларидаги аутолитик ўзгаришлар динамикаси асосида, қон йўқотиш ва асфиктик ҳолатларда ўлим вақтини постмортал даврнинг 72-76 соат (3 сутка) давомида ишончли тарзда аниқлаш имкониятлари асослангани Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази бўйича (16.08.2023 й.; № 059/AF/2023) буйруқ билан амалиётига жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: тадқиқот натижалари бўйича қон йўқотиш ва механик асфиксия ҳолатларидан ўлимдан кейинги 42-48 соатгача бўлган даврда бош мия, узунчоқ мия, миокард ва жигар тўқималари ва қон томир тузилмаларида аутолитик жараёнларнинг вақт давомидаги динамикаси ўлим вақтини $1,0 \pm 0,3$ соат оралиғида ишончли аниқлаш имконини беради ва 48-52 соатдан 72-76 соатгача бўлган даврда $3,0 \pm 1,0$ соат оралиғида ўлим вақтини аниқлаш учун хизмат қилади. Иссиқ арид шароитида ўлим вақтини аниқлаш юзасидан ишлаб чиқилган тавсиялар, экспертлик амалиётига жорий этилиши натижасида, экспертиза хулосаларининг объективлиги ва ишончлилиги ҳамда асосланишини таъминлаган. Бу эса ўз навбатида, суд-тергов жараёни иштирокчиларининг эътирозларини бартараф этиш имконини берган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: тавсия этилган алгоритм ва услубларга кўравафот этган шахслар жасадларини қўшимча текшириш ҳамда иш материаллари маълумотларини

ўрганишзарурати йўқлиги натижасида суд тиббий текширувни амалга ошириш учун керак бўладиган вақт $5-6\pm 0,5$ кундан $2,5\pm 0,3$ кунгача қисқариши ҳисобига иқтисод қилишга эришилган (ананавий усулнинг ўртача нархи 530000 сўми ташкил қилса, тавсия этилган усулнинг нархи эса 200000-265000 сўм). Хулоса: тавсия этилган усул ёрдамида эксперт тадқиқотларини ўтказиш вақтини 1,5-2 барабар қисқартириб, ҳар 1 ҳолат ҳисобига бюджет маблағларини 265000-330000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, жумладан, 9 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 190 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларни илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ишларнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ўлим вақтини аниқлашнинг замонавий муаммоли жиҳатлари-адабиётлар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида мавзуга доир 279 та жаҳон илмий адабиётлари таҳлил қилинган. Таъкидланганки, ҳозиргача бутун дунёда ўлим вақтини аниқлаш замонавий суд тиббиётининг ўта муҳим долзарб ва тўлиқ ҳал этилмаган муаммоси бўлиб қолмоқда. Ушбу муаммо сўнгги пайтларда кўплаб тадқиқотчиларнинг эътиборини тортиши ва уларнинг саъй-ҳаракатлари ушбу мураккаб муаммони ҳал қилишда янги ёндашувларни топишга йўналтирилган. Бироқ, тавсия этилган усулларнинг ҳеч бири ўлим вақтини аниқ асослаб бериш имкониятини бермайди.

Диссертациянинг «**Иссиқ арид зонада шароитида массив қон йўқотиш ва осилишдан кейинги ўлимда ўлим вақтини аниқлашнинг услубий асослари**» номли иккинчи боби тадқиқот материалларининг умумий тавсифи ва статик таҳлил усуллари бағишланган бўлиб, 2 қисмдан

иборат. Мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда, тадқиқотлар 2 гуруҳ кузатувлари асосида ўтказилди: 1-гуруҳ - 123 нафар ўткир жисмлардан шикастланиш оқибатида массив қон йўқотиш натижасида вафот этган шахслар жасадлари СТЭси, 2-гуруҳ - 132 нафар сиртмоқда осилиш оқибатида механик асфиксиядан вафот этган шахслар жасадлари СТЭси асосида

Ўзбекистон Республикаси минтақалари иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда, ҳар икки гуруҳ кузатувлари қуйидаги кичик гуруҳларга бўлинган: атроф-муҳитнинг нисбатан паст ҳарорат (-7 ... + 14 ° С) шароитида вафот этганлар - 25/63; ўртача ҳарорат (+7,0 + 20,0 ° С) шароитида - 31/46; юқори ҳарорат шароитида вафот этганлар (+25,030,0 ° С дан паст бўлмаган) - 68/23. Иқлим шароити ҳақидаги маълумотлар Ўзгидрометеорология марказининг расмий сайти (<https://ru.weatherspark.com>) орқали олинган.

Массив қон йўқотишдан вафот этган шахсларнинг жинси ва ёши бўйича тақсимланиши 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Массив қон йўқотишдан вафот этган шахсларнинг жинси ва ёши бўйича тақсимланиши

Жинси	Ёш категорияси						Абс	%
	18- 20	21-30	31-40	41-50	51-60	> 60		
Эркак	8	21	25	19	15	7	95	77
Аёл	2	7	9	8	2		28	23
Жами	10	28	34	27	17	-	123	
Жинслар нисбати %	80/20	75/25	74/26	70/30	88/12	100/0	62/38	100

Маълумотлардан кўришиб турибдики, массив қон йўқотиш эпидемиологияси асосан ўрта ёшни қамраб олади - 21-60 ёш (94,3%). аёлларга қараганда - 23 (23%), эркаклар - 95 (77%) кўпчиликти ташкил этади. Вафот этганларнинг кўпчилиги ўртача тўлалик даражасида бўлган, тана узунлиги 162,0±0,5 дан 174,0±8,0 гача, тана вазни 58,0±1,0 171,0±12,0 ни ташкил этади. Катамнез ва жасадлар СТЭ натижаларига кўра, вафот этганлар соматик касалликлар мавжуд бўлмаган ва спиртли ичимликлар истеъмол қилмаган ҳолатлар кузатувларга киритилди. Кузатишлар суд-кимёвий тадқиқот томонидан қон ва сийдикда алкоголь мавжудлиги ҳолатларини аниқланганларни ўз ичига олмайди.

Ўлимдан кейинги давр муддатлари 6-8 соатдан 72-76 соатгачани ташкил этди. Жумладан 6-10 соат (9,8%), 9-10 соат (8,1%), 11-12 соат (7,3%), 13-14 соат (6,5%) ва 15-16 соат (9,0%) ни ташкил этади. Ўлимдан кейинги даврнинг қолган муддатлари 4,1% дан 5,7% гачани ташкил қилди.

2-гуруҳ кузатувлари, яъни механик асфиксия ҳолатлари орасида вафот этганлар 18 ёшдан 61 ёшгача бўлиб, улардан, 112 та эркак, 20 та аёллар бўлган (2-жадвал).

2-гурухнинг жинси ва ёши бўйича тақсимланиши

Жинси	Ёш категорияси						Абс	%
	18 - 20	2 1-30	3 1-40	4 1-50	5 1-60	> 60		
Эркак	21	20	17	11	12	1	82	62
Аёл	10	24	7	2	7	-	50	38
Жами	31	44	24	13	19	1	132	
Жинслар нисбати %	68/32	45/55	71/29	85/15	63/37	100/0	62/38	100

Ўлимдан кейинги давр 6-14 соатдан 72-76 соатгача бўлган, жумладан, ўлим вақти 6-8 соат (9,8%), 9-10 соат (9,1%), 11-12 соат (8,3%), 13-16 соат (7,6%). Ўлимдан кейинги даврнинг бошқа муддатлари 6,8% дан 3,8% гачани ташкил этади.

Вафот этганлар катамнези ва мурдани кўздан кечириш баённомаси маълумотлари ҳамда СТЭ тайинлаш тўғрисидаги қарорлар асосида, ўлимнинг содир бўлган вақти аниқланди. Қайд этилдики, массив қон йўқотишдан ўлим 65 ҳолатда хонадонларда (ёпиқ жойларда) ва 58 ҳолатда очик жойларда (ҳовлида, кўчада ва ҳоказо) содир бўлган. Механик асфиксиядан кейинги ўлимда, бу кўрсаткичлар мос равишда 84 ва 48 ни ташкил этди.

Мурдани топилган жойида илк бор кўздан кечиришни, ўлим вақти аниқроқ ва биологик хусусиятлари ухшаш бўлган ҳолатлардан, массив қон йўқотишдан ўлимда 53 ҳолатда, механик асфиксиядан ўлимда 38 ҳолатда, йилнинг турли даврларда очик жойларда топилган жасадларда ўлимдан кейинги ўзгаришлар ривожланиш даражаси ва динамикаси ўрганилди.

Мурда доғларини ўрганиш босиб кўриш йўли билан, ректал термометрия билан совуш, мурданинг қотиши оёқ-қўлларни пальпатор бўкиш (ёзиш) асосида, мурданинг қуриши ва чириши визуал кўздан кечириш тарзида аниқланди. Шунингдек, скелет мушакларининг механик таъсирга - металл стержин билан зарба беришга реакциясини 27 та жасадда ва кўзнинг олд камерасига атропин ва 1% пилокарпин эритмасини киритиш орқали кимёвий таъсирга кўз мушакларини реакциясини-19 та жасадда ўрганилди.

Ўлимдан кейинги ўзгаришлар ва суправитал реакцияларни ўрганиш натижалари ўрта ҳароратли шароитлари учун ишлаб чиқилган адабиёт маълумотлари билан таққосланди (К.И. Хижнякова, 1968; В.И. Кононенко 1985; В.М. Смольянинов, 1975; Ю.Л. Мелников, В. В. Жаров, 1978; В. В. Билкун, 1985; Г. А. Ботезату, 1985; А. П. Громов, А. В., Капустин, 1991).

Махсус суд-гистологик тадқиқот учун барча кузатувлардан: бош мия катта ярим шарлари пўстлоқ ва пўстлоқ ости соҳасидан, узунчоқ мия қисми; юрак чап қоринчаси олд девори ва қоринчалараро тўсиқдан; жигарнинг катта бўлаги юқори юзасидан қирқмалар олинди. Бўлакчаларнинг ўлчами 1x1 см,

қалинлиги 0,5 см дан ошмади, улар 10% нейтрал формалинда фиксация қилинди, спиртли батарея орқали ўтказилиб, парафинли блоклар тайёрланди. 7-10 микрон қалинликдаги гистологик қирқмалар гематоксилин ва эозин, Ван-Гизон ва Ниссл (нерв тўқимаси) усулларида бўялди. Паренхима, қон томир ва бошқа тузилмалари ҳолатини объектив баҳолаш учун Г. Г. Автандилов (1994) усули бўйича морфометрик тадқиқот ўтказилди. Бунинг учун Г.Г Автандилов томонидан тасия этилган 4 та кичик квадратча (100 та нуқтадан иборат) нуқтали тўр ишлатилди. Морфометрик ўлчов микроскопнинг об.20 х ок.10.ўлчамида амалга оширилди(Г.Г. Автандилова, 1994 й.).

Ўлимдан кейинги даврнинг турли муддатларида орган тузилмаларидаги аутолитик жараёнларнинг табиати ва динамикасини ўрганиш жараёнида қуйидаги тузилмаларнинг ҳолати ўрганилди ва баҳоланди:

мияда - нейрон танаси, ўсиқлар, цитоплазма, хроматолиз, кариопикноз, кариорексис, кариолиз, циторексис, цитолиз, ПЦБ, томирлар девори, томирлар тонуси, интимаси, эндотелиоцитлар, кариорексис, кариолиз, циторексис эндотелиоцитлар денудацияси ва циторексиси, томир ичи таркиб ва ПВП;

юрақда - кардиомиоцитлар, цитоплазма, кариопикноз, кариорексис, кариолиз, мушаклараро шиш, парчаланис, циторекс, цитолиз, ПЦБ, томир тонуси, интима, деворлари, эндотелиоцитлар, томир контурлари, қон томир ичи таркиби, ПVB;

жигарда - гепатоцитлар, цитоплазма, кариопикноз, кариорексис, кариолиз, циторексис, цитолизис, гепатоцитлар, перисинусоидал бўшлик некроз, Диссе бўшлиғи, гистоархетиктоника, нур-радиал тузилмалар, эндотелиоцитлар, қон томир девори, интимаси, томирлар контури, интраваскуляр таркиб ва ПVB.

Мурда ўзгаришлари ва суправитал реакцияларни ўрганиш натижаларига асосланган миқдорий кўрсаткичлар, шунингдек органларнинг морфометрик маълумотлари статистик ишловдан ўтказилди, ўртача арифметик қийматнинг нисбий қийматлари ўртача хатоси ($M \pm m$) ва ишончлилик коэффициенти (t) аниқланди.

Диссертациянинг «**Массив қон йўқотиш ва осилишдан кейин иссиқ арид зона шароитида мурдад ўзгаришларнинг шаклланиш хусусиятлари, динамикаси ва мушакларнинг суправитал реакцияси**» деб номланган учинчи бобида массив қон йўқотиш ва механик асфиксиядан вафот этган шахслар танасида мурда ўзгаришлар динамикаси ва мушаклар суправитал реакцияларининг ўрганиш натижалари келтирилган. Мурда совуши, мурда доғлари, қотиши ва қуриши, шунингдек, чириш жараёнлари ривожланиш динамикасининг танатогенезга ва иссиқ қурғоқчил зонанинг атроф-муҳит шароитларига боғлиқлиги аниқланган. Массив қон йўқотишдан ўлимдаги бу ўзгаришлар, механик асфиксиядан сўнгги ўлим натижалари билан солиштирганда, мурданинг совуши ва қуриши ривожланиш жараёнлари сезиларли даражада тезлашади ва мурда доғлари ривожланиши сезиларли даражада секинлашади. Массив қон йўқотиш ва механик

асфиксиядан кейин мурда ўзгаришларнинг шаклланиши ва ривожланиш динамикаси иссиқ қурғоқчил зонанинг атроф-муҳит шароитларига ҳам боғлиқ бўлди. Жумладан, бундай шароитда мурда доғлари, қуриши ва чириш жараёнларининг ривожланиши сезиларли даражада тезлашади, мурда совуши эса-секинлашади. Иссиқ қурғоқчил зонада юқори ҳарорат шароитида массив қон йўқотиш ҳолатидан ўлимдан сўнг, ўртача ҳарорат шароитлари кўрсаткичлари билан солиштирганда, қуруш жараёни ривожланишида сезиларли тезлашув кузатилади ва совуш жараёни секинлашади; Механик асфиксиядан ўлимдан сўнг, муҳит юқори ҳарорати шароитида, массив қон йўқотиш ўлим билан солиштирганда, мурда доғларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши ҳамда мурданинг қотиши ва чириш жараёнлари сезиларли даражада тезлашади ва совуш жараёни секинлашади.

Юқори ҳарорат шароитида массив қон йўқотиш ва механик асфиксиядан кейин мушакларнинг механик ва кимёвий таъсирларга суправитал реакцияси натижаларини ўртача ҳарорат кўрсаткичлари (+7...+20 °С) га нисбатан, деярли 2,0-2,5 мартага камайди ($P \leq 0,005$). Шунинг учун, иссиқ арид зона шароитида ўлим вақтини аниқлаш учун суправитал реакциялардан ўлимнинг эрта даврида, яъни 9-10 соатгача қўлланилиши мумкин.

Маълумки, мурда танаси қуришининг ривожланиш динамикаси интенсивлиги билан ўлим вақти ўртасида бевосита боғлиқлик мавжуд эмас, шунингдек, жасаднинг қуриши даражасига таъсир қилувчи кўплаб омилларнинг мавжудлиги, ушбу жараёни амалда ўлим вақтини аниқлашда қўллашни қийинлаштиради (М.И. Авдеев 1976). Бундан ташқари, тўқималар ва органларнинг қуриши даражасини қайд этиш ва уларни объектив баҳолашнинг инструментал усуллари ҳамда микродорий кўрсаткичлари ҳам мавжуд эмас (Мельников Ю.Л., Жаров В.В., 1978).

Шунга қарамай, бизнинг тадқиқотларимиз натижалари шуни кўрсатдики, қуриш жараёнининг ривожланиш интенсивлиги танатогенез ва ташқи муҳитнинг ҳарорат шароитларига бевосита боғлиқ. Хусусан, массив қон йўқотишдан вафот этган шахсларнинг жасадларида тананинг ташқи қисмлари териси ва шиллиқ пардаларининг қуриши, айниқса, юқори муҳит ҳарорати шароитида механик асфиксиядан вафот этган одамларнинг жасадларига қараганда, анча интенсив содир бўлади. Бу эса ўз навбатида ўлим вақтини аниқлашда суд-тиббий экспертиза жараёнида қуриш даражаси ва интенсивлигини албатта инобатга олиниши лозимлигидан далолат беради.

Массив қон йўқотишдан сўнг мурда доғларининг шаклланиши ва ривожланиш динамикаси иссиқ арид зонанинг ташқи муҳитининг ҳарорат шароитларига боғлиқ бўлди. Хусусан, юқори ҳарорат шароитида гипостазнинг стаз ҳолатига ўтиши 10-12 соатдан кейин қайд этилди ва 13-14 соатдан кейин имбибиция кузатилди. Ўртача ҳароратда эса массив қон йўқотишдан сўнг стаз ва имбибиция 12-13 ва 17-18 соатда кузатилди ва паст ҳароратда – бу ҳолатлар мос равишда 17-18 ва 25-28 соатдан кейин аниқланди.

Осилиш оқибатида содир бўлган ўлим ҳолатида, массив қон йўқотишга нисбатан, мурда доғларининг шаклланиши ва ривожланиши сезиларли

даражада тезлашди ва босқичларнинг давомийлиги ҳам узайди. Хусусан, ўртача ҳарорат шароитида 11-12 соат ичида гипостаз стаз босқичига ўтди ва 23-24 соатдан кейин мурда доғларининг имбибицияси кузатилди. Шу билан бирга, юқори ҳарорат шароитида бу муддатлар: 9-10; 21-22 соатни ва паст ҳарорати шароитида гипостазнинг стазга ва стазнинг имбибицияга ўтиши 13-14 ва 29-32 соатларда кузатилди (3-жадвал).

3-жадвал

Ўлим вақти ва атроф-муҳитнинг ҳарорати шароитларига қараб, массив қон йўқотиш ва осилиш натижасида ўлимдан кейин мурда доғлари ривожланиш динамикасининг қиёсий хусусиятлари

